ТАЛАБАЛАРГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Умарова Фотима Абдурахимовна
– Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Технологик таълим методикаси кафедраси в.б.доценти, PhD Ўзбекистон.

Аннотация: *Ушбу мақолада таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фанларни ўрганишнинг афзалликлари ёритилган. Мақолада олий таълим муассасалари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг мазмуни, мақсади, мазмуни ва усуллари ёритилган.*

Калит сўзлар: *мобиль таълим, у-леарнинг, ҳамма жойда ўрганиш, электрон таълим ресурслари.*

Аннотация. *В данной статье описаны преимущества обучения с использованием информационных и коммуникационных технологий в системе образования. В статье рассказывается о значении, назначении, содержании и методах использования информационно-коммуникационных технологий в деятельности высших учебных заведений.*

Ключевые слова: *мобильное обучение, u-learning, онлайн-обучение, электронные образовательные ресурсы.*

Шарқ донишмандлари айтганидек: “Энг катта бойлик – ақл ва билим, энг катта мерос – яхши таълим, энг катта қашшоқлик – жаҳолатдир!” Шунинг учун ҳам замонавий билим, чинакам маърифат ва юксак маданиятни эгаллаш барчамиз учун ҳаётий заруратга айланиши керак. Шу боис рақамли иқтисодиётга фа ол ўтиш келгуси 5 йилдаги устувор вазифаларимиздан бири бўлади” [1].

Жаҳон миқёсида жадал ривожланиш ва глобаллашув даврида таълим тизими олдида бир қатор талаблар юзага келди. Талабаларга билим бериш билангина чекланиб қолмай, уларнинг касбий маҳорати, кўникма ва компетентликларини ривожлантириш ҳамда рақамли технология имкониятларидан фойдалана олиш ва уларни таълим жараёнида, келгусида касбий фаолиятларида қўллашга ўргатиш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, меҳнат бозори талабларига кўра, бўлажак мутахассис юзага келган муаммоларга маъсулият билан ёндашиб, танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш орқали уларнинг ечимларини топиш кўникмаларига эга бўлиши керак. Бу каби кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимига инновацион ўқитиш усулларини қўллашни ҳамда унга мос таълим методикаларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, изланишлар асосан умумий ҳолда компьютер саводҳонлик масалаларига қаритилган ва мазкур ишларда

мутахассиснинг касбий сифатларини такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаган. Мазкур масала бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, тикувчилик бўйича мутахассисларни ўқитишда компьютерда лойиҳалаш ва моделлаштиришда педагогик мақсадига кўра қўлланилади. Шу билан бир қаторда, либосларни лойиҳалаш, моделлаштириш ва дизайни масалаларини ўрганувчи таълим соҳаларида таҳсил олувчи бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги хозирги замон технологик тараққиётининг талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, биз тадқиқотчилардан ахборот технологияларини қўллашнинг янги, замон талабларига жавоб берувчи йўлларини ишлаб чиқишни ҳамда улардан амалиётда самарали фойдаланишни талаб қилади. Натижада мавжуд таълим тизимида қўлланилаётган ўқув машғулотларининг таркиби, шакллари ва усулларини такомиллаштиришга ҳизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, талабаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиш қобилиятларини ривожлантириш ва келажакда касбий фаолияти давомида самарали қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш, таълим самарадорлигини ошириб, ахборотлашган жамият эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ҳамда олий таълим муассасаларидаги замонавий таълим даражасига мослаша оладиган кадрлар тайёрлаш имконини беради. Таълимда АКТни мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, биз томонимиздан касб таълими таълим йўналишлари талабаларининг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришда олий таълим муассасалари битирувчилари фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур бўлган дастурий маҳсулотларнинг тўрт гуруҳи тавсифланди: (1-расм)



1-расм Кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришда фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари таснифи.

1) Тизимли дастурий таъминотлар:

Операцион тизимлар (Windows, Unix синф (класс), Linux, Mac OS операцион тизимлари ва Doppix миллий операцион тизими) компьютернинг барча қурилмалари ишини самарали ташкил этиш ва унинг барча ресурсларини бошқариш имкониятини таъминлайди.

Химояловчи сервис дастурий таъминотлар (Kaspersky Anti-Virus (ёки Kaspersky Internet Security), Dr.Web, ESET NOD32 Antivirus, VirusScan) утилиталар (utility - фойдалилик) ҳажми кичик аммо жуда фойдали дастурлар бўлиб, аппарат воситалар ишини бошқариш бўйича турли хилдаги ёрдамчи функцияларни бажаради ва уларнинг ишловчанлик қобилиятини, хизмат қилиш ва созлашни текширади.

2) Амалий дастурий таъминотлар талаба АКТ соҳасида ўзлаштириши зарур бўлган асосий дастурлар ҳисобланиб, уларга қуйидагилар киради:

Турли хил матн ва жадвал муҳаррирлари (Microsoft Word, Microsoft Excel, PowerPoint дастурларини ўз ичига олган – Microsoft Office дастурлар пакети) ўқув ва касбий фаолияти давомида талабаларга зарур хомашёлар бўйича керакли хужжатлар (рўйҳат, сўровнома ва бошқалар)ни тузиш, зарур иқтисодий ҳисоб-китоблар, сарф-харажатларни олиб бориш, турли схемаларни тайёрлаш, бундан ташқари турли тақдимотлар ўтказиш ёки рационализаторлик таклифлари бўйича технологик эксперимент натижаларини тайёрлашга кўмаклашади.

Web-brauzerлари (Yandex, Google, Opera, Mazilla Firefox ёки Explorer), реал вақт режимида алоқа ўрнатишга имкон берадиган дастурлар (Outlook Express ёки Mozilla Thunderbird, чат ва e-mail, Skype, ICQ,) ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари соҳасидаги маҳаллий ва хорижий корхоналар билан танишиш, улар билан алоқа қилиш, зарур хомашёга буюртма бериш, технологик ишлаб чиқариш соҳасидаги сўнгги маълумотларни қидириш ва ундан ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш, соҳадаги потенциал мижозлар ёки тадқиқотчилар билан мулоқотда бўлиши, реал вақтда видеоконференциялар ёки консультациялар ўтказа олиши имкониятига эга бўладилар.

Юқоридаги дастурларга ABBY Fine Reader ёки шунга ўхшаш ҳар хил маълумотларни сканерлаш дастурлари ҳам киритилиши мумкин, у ёрдамида талаба маълумотларининг ҳар хил турлари билан танишиш, сканер билан ишлаш кўникмаларини эгаллаши зарур.

Microsoft Media Player, PhotoShop дастурлари графика ва овозни қайта ишлаш учун фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

3) Моделлаштириш дастур (инструмент)лари – профессионал (ёки ихтисослашган) лойиҳалаш дастурий воситалари гуруҳига кирувчи компьютер ёрдамида лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЛАТ)га Assol Assyst,

Gracia, PAD System, Investronica, Lectra, Grafis, Julivi, Comtense каби дастурлар киради. Уларнинг барчаси либосларни лойиҳалаш ишларини автоматлаштиришга ҳизмат қилади. Ушбу дастурлар ёрдамида андозалар, эскизлар яратиш мумкин. Хозирги кунда замонавий дастурий таъминот пакетларида 3D модульььь функцияси мавжуд бўлиб, у ўз фойдаланувчиларига лойиҳаланаётган объектнинг уч ўлчамда кўриш имконини беради. Мазкур имкониятдан фойдаланган ҳолда синалаётган моделларни лойиҳалаш жараёнининг ўзида, яъни либосни тикмай туриб, унинг тайёр холдаги натижасини кузатишимиз мумкин. Бу эса аввалдан режалаштирилган тайёр маҳсулотга ҳос бўлмаган четлашишлар, ўзгаришлар, аввалдан аниқланмаган ноаниқликлар ёки тайёрланаётган либос андозаси дизайнидаги хатоликларни дастлабки босқичларданоқ кўришга, аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари мазкур дастурий воситаларда тайёрланган асос андозани турли хил ўлчамлардаги либослар андозаларига ўзгартириш, чиқинди сарфини камайтирган ҳолда матога жойлаштириш орқали харажатларни камайтириш орқали маҳсулотларнинг таннархини ва уни ишлаб чиқариш вақтини тушириш имконини беради. Мазкур ўзгаришлар ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнида либос тайёрлашга кетадиган вақтни, сарф-ҳаражатларни сезиларли даражада қисқаришига олиб келади. Шу сабабли, бу дастурлардан фойдаланиш кўникмалари нафақат либос дизайнерлари, балки кийим ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи технологлар учун ҳам замонавий талаблардан бирига айланган [2, 3, 11].

Кийимларни лойиҳалашни автоматлаштиришдан мақсад ишнинг техник қисмини осон ва сифатли бажариб, мутахасисларга ижодий қисмини қолдиришдан иборат. Кийимларни лойиҳалаш фақатгина конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқишдан иборат бўлмаслиги керак. Тизимли ёндашув режалаштириш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини бирлаштиради.

Электрон ўқитиш воситаларидан масофавий ўқитиш ва мустақил ишлашда қўшимча ёрдам сифатида фойдаланиш мумкин, чунки улар ўқув материалларини босма ўқув материаллари билан таққослашга имкон беради: эшитиш ва ҳиссий хотира, шунингдек, фикрларни тарқатишга ёрдам беради; талабага тайёргарлик даражаси, интеллектуал қобилияти ва қизиқишлари асосида қобилиятларни ривожлантиришга имкон беради [2, 6, 7, 8].

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида жамиятимиз ривожланиши учун янги технологиялар, жумладан, янги АКТлари зарур. Хусусан, мультимедиа ва веб-технологияларнинг кенг жорий этилиши, компьютерда яратилган графика, анимация ва видео технологияларни жадал ўрганиш компьютер саводхонлигини талаб қилади [9, 10, 11, 12].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ўқув ва тарбия жараёнида ўқувчиларга берилаётган маълумотлар кўриш, яъни кўриш ва ўз-ўзидан амалга оширишда эшитишдан кўра кучлироқ ва мустаҳкамроқ эсда қолади. Шу билан бир қаторда

таълим жараёнида мутахасислик фанларини ўзлаштиришда махсус компютер дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида . 26.01.2020 й.
2. ХА Умаров, ЗА Умарова / " Использование электронно-образовательных ресурсов в целях создания образовательной экосистемы". Перспективные информационные технологии / Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018) 2018
3. ХА Умаров / Развитие профессиональных компетенций будущих специалистов на основе академической мобильности / Вопросы гуманитарных наук 2014
4. Zakhro Umarova / Modern and Innovative Approaches to the Organization of StudentsЪ Self-Education in Higher Educational Institutions / Journal La Edusci 2020/12/12
5. Zakhro Umarova / Modern and Innovative Approaches to the Organization of StudentsЪ Self-Education in Higher Educational Institutions / Journal La Edusci 2020/12/12
6. Умарова Ф.А. Замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари мавзусидаги халқаро илмий – амалий масофавий конференция – Т.: 2020 й. 1-май
7. Умарова Ф.А. Тошкент давлат педагогика университети Илмий ахборотлари илмий-назарий журнали № 5 2020.
8. Умарова Ф.А. Халқ таълими журнали. 2020 йил 4-сон (махсус сон)
9. Умарова Ф.А., Умарова З.А., Умаров Х.А. “Scientific and practical bases of creation and use of electronic educational resources in educational process.” European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol.7 №. 12,2019. ISSN 2056-5852
10. Умарова Ф.А. The American Journal Of Social Science And Education Innovations. Volume-II Issue-VII ISSN (e): 2689-100X
11. Умарова Ф.А. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 8, 2020 ISSN 2056-5852
12. Умарова Ф.А. Journal La Edusci Vol. 01, ISSUE 0 4 (001 - 004), 2020